

8-28-2019

The characteristic features of historical and demographic processes in Sirdarya region in the soviet period

U. B. Mirzaliyev

Ferghana State University, Ferghana, Murabbiylar 19, fdujournal@fdu.uz

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/fdu>



Part of the [History Commons](#)

Recommended Citation

Mirzaliyev, U. B. (2019) "The characteristic features of historical and demographic processes in Sirdarya region in the soviet period," *Scientific journal of the Fergana State University*. Vol. 2 , Article 8.

DOI: 93/99+312.312.1/9

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/fdu/vol2/iss3/8>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific journal of the Fergana State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

УДК: 93/99+312.1/9

СОВЕТ ДАВРИДА СИРДАРЁ ВИЛОЯТИДАГИ ТАРИХИЙ-ДЕМОГРАФИК
ЖАРАЁНЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

ХАРАКТЕРНЫЕ ОСОБЕННОСТИ ИСТОРИКО-ДЕМОГРАФИЧЕСКИХ ПРОЦЕССОВ В
СЫРДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ В СОВЕТСКОЕ ВРЕМЯ

THE CHARACTERISTIC FEATURES OF HISTORICAL AND DEMOGRAPHIC
PROCESSES IN SIRDARYA REGION IN THE SOVIET PERIOD

У.Б.Мирзалиев

Аннотация

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг барча вилоятларидаги тарихий-демографик жараёнларни холисона ўрганиш муҳим муаммолардан ҳисобланади. Мақолада Сирдарё вилоятидаги демографик вазиятга баҳо берилиб, аҳолининг ўсиши ва камайишига таъсир кўрсатган омиллар рақамларга таянган ҳолда кўрсатилди.

Аннотация

Изучение историко-демографических процессов в областях Узбекистана является одной из важных проблем. В статье дана оценка демографической ситуации в Сырдарьинской области, опираясь на цифровые данные указаны факторы, влиявшие на рост и сокращение численности населения.

Annotation

The study of the historical-demographic processes in all regions of Uzbekistan is one of the most important problems. The assessment of the demographic situation in Sirdarya region, which influenced on growing and reduction of the population, relying on numerical data.

Таянч сўз ва иборалар: Сирдарё, аҳоли, демографик сиёсат, миграция, оила, миллат, тарихий-демографик, туғилиш, совет даври, янги ерларни ўзлаштириш.

Ключевые слова и выражения: Сырдарья, население, демографическая политика, миграция, семья, национальность, историческая демография, рождаемость, советский период, освоение новых земель.

Keywords and expressions: Sirdarya, population, demograpic policy, migration, family, nation, historical-demographic, birth, soviet period, new lands development.

Тарихан туғилишнинг эволюцияси жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти билан белгиланади. XIX асрда ва XX асрнинг 70-йилларигача Ўзбекистон ҳудудида аёллар 5-7 нафар бола туғардилар. Кейинчалик туғилиш пасая боради. Туғилишнинг юқори даражаси саноатнинг ривожини, кўриқ ва бўз ерларнинг ўзлаштирилиши билан ҳам боғлиқ. Чунки 1956 йилдан бошлаб Ўзбекистонга бутун собиқ Иттифоқ ҳудудларидан кўплаб ёшларнинг, айниқса, ёш эркакларнинг келиши кузатилди. Бу жараён, айниқса, Мирзачўлни ўзлаштириш ва Тошкентни зилзиладан кейин тиклаш пайтида кузатилди. Туғилиш даражасининг пасайиши эса Иккинчи жаҳон уруши йилларида ва 1940-йилларнинг охиригача кузатилган эди. Демографик дисбаланс уруш, қатағонлар, умрнинг узоклиги ҳамда аёлларга нисбатан эркакларнинг ўлим миқдорининг юқори экани сабабли содир бўлди. Бу даврда деярли барча индустриал мамлакатларда эркаклар умрининг узоклиги аёлларникидан кам бўлиши кузатилган. Сайёрамизнинг демографик тарихига назар ташланса, аҳолининг тез суръатлар билан кўпайиб борган даври XX асрга тўғри келар экан. Аср бошида, яъни 1900 йил курраи замин аҳолиси 1,6 млрд кишини ташкил этган эди. Аср охири, яъни 1999 йили бу кўрсаткич 6 млрдга етди. Ёки XX асрда дунё аҳолиси деярли 4 бараварга ошди. 2013 йилга дунё аҳолиси 7 млрд кишидан ўтиб кетди. Бундай ҳолатни аҳолишунослар буюк демографик инқилоб, деб атадилар. Илмий манбаларда, ер юзида аҳолининг кўпайиб бориши XXI асрнинг ўрталарига қадар давом этиши ва унинг сони 10 млрд кишидан ошиши ҳақида маълумотлар мавжуд. Аҳолининг бундай тез суръатлар билан ўсиши ер шаридаги табиий ресурсларнинг чекланганлиги туфайли қатор глобал муаммоларни келтириб чиқаради. Лекин, ер юзидаги барча ҳудудларда, давлатларда аҳолининг кўпайиб бориши ўзига хос хусусиятларга эгадир. Бу ҳолат ҳар бир ҳудудда ривожланиш таъсирида шаклланган демографик вазиятга боғлиқдир. Аҳолининг ўсиши бўйича биринчи ўринда Осиё давлатлари туради ва улар дунё аҳоли ўсишининг 2/3 қисмини ташкил қилади. Дунё аҳолиси ичида Осиё мамлакатлари аҳолисининг салмоғи 1950-2000 йилларда 56% дан 61% га ўсди. Африка мамлакатлари аҳоли ўсиши бўйича иккинчи ўринда туради. Дунё аҳолисининг кўпайиб боришида Африка аҳолисининг салмоғи 13% ни ташкил этмоқда. Америка, Австралия ва Океания материклари аҳоли

У.Мирзалиев – ЎЗМУ таянч докторанти.

ТАРИХ

бўйича дунёда ўртача мавқени эгаллайди. Бу жараён бўйича Европа охириги ўриндадир.

Ҳар бир ҳудуддаги демографик вазият, демографик жараёнлар ўзига хос хусусиятларга эгадир. Дунёдаги барча давлатлар қатори Ўзбекистонда ҳам демографик жараёнлар тарихини ўрганиш зарур.

Ўзбекистонда демографик жараёнлар, ўз навбатида, кўп омиллар таъсирида содир бўлади. Шу жараёнларни тарихий жиҳатдан таҳлил этиш тадқиқотчилар олдида турган долзарб ва муҳим масалалардан биридир. Демографик сиёсатни амалга ошириш – бу, биринчи навбатда, аҳоли саломатлигини яхшилаш, оилани қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, иккинчидан, республикада меҳнат ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш, аҳолини иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимоялаш дастурларини қабул қилиш. Демографик жараёнлар инсонларнинг ҳаётида уларнинг авлодларини алмашуви билан боғлиқ бўлган воқеаларнинг кечишидан иборат [1,3].

Пахта етиштиришни кўпайтириш учун Ўзбекистон ССР ва Қозоғистон ССРдаги Мирзачўлнинг кўриқ ерларини суғориш ва ўзлаштириш тўғрисидаги КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарори 1956 йил 6 августда қабул қилинди [2,10]. Шундай қилиб, 1956 йилга қадар Мирзачўлда 200 минг гектарга яқин ер ўзлаштирилди, шундан 105 минг гектари Ўзбекистонга қарашли, 95 минг гектари Қозоғистонга қарашлидир[3]. СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Меҳнат резервлари Бош бошқармаси 1956-1962 йилларда қишлоқ хўжалигини механизациялаш билим юртларини, хунар мактабларини ва меҳнат резервлари мактабларини тамомлаётган кишилардан Мирзачўлда янги ташкил қилинаётган совхозларга ва қурилиш ташкилотларига 24,4 минг механизаторни ва малакали бинокор ишчини юборишни, шу жумладан, 1956 йилда 4,4 минг кишини (шундан Ўзбекистон ССРга 3 минг кишини ва Қозоғистон ССРга 1,4 минг кишини) ҳамда 1957 йилда 5 минг кишини (шундан Ўзбекистон ССРга 3,3 минг кишини ва Қозоғистон ССРга 1,7 минг кишини) юборилишни таъкидлади [4].

1956 йил 23 октябрида Тошкент комсомолларининг биринчи группаси Мирзачўлдаги доимий ишларга юборилган. Улар орасида токаръ Рая Сичева, шофёр Йўлдош Ғозиев, фрезерчи Акмал Тўқоев, Ким Темашев, Паша Афарина сингари ўнларча илғор тошкентлик ёшлар бор эди. Бу ёшлар Мирзачўлга келиши биланоқ “Главголотностепстрой”га қарашли 1-қурилиш монтаж бошқармасининг объектларига ишга жойлаштирилди.

1956 йил 14 ноябрида Тошкент комсомолларининг иккинчи группаси Мирзачўлга жўнаб кетди. Булар орасида рус, ўзбек, украин, татар, арман ва бошқа миллатларнинг турли касбдаги йигит-қизлари бор эди [5].

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Мурожаатини Фарғона область аҳолиси қизғин кутиб олди. Қисқа вақт ичида областдаги 300 дан ортиқ ёшлар Мирзачўлга юборишни сўраб, область комсомол комитетига ариза бердилар [6].

Мирзачўлдаги кўриқ ва бўз ерларни ўзлаштираётган колхоз ва совхозларга ўз оилалари билан кўчиб бориш тўғрисида колхозчилар ва бошқа кишилардан кўплаб ариза тушаётганлиги муносабати билан уларга кўчиб бориш ва янги истиқомат жойида жойлашиш учун ёрдам кўрсатиш тадбирлари белгиланган. Бошқа областлардан кўчиб келишни хоҳловчилар ўз истаклари билан жойни танлайдилар. Ўз жойидан кўчиб бориладиган жойга қадар ашёлари билан бепул олиб бориб қўйилади, оила бошлиғига 600 сўм ва оиланинг ҳар бир аъзосига 200 сўмдан бирийўла ёрдам, уй қуриб олиш учун 19 минг сўм қарз берилади. Бу қарзнинг 35 фоизини давлат ўз зиммасига олади. Қолган қисмини эса кўчиб борувчи 10 йил мобайнида тўлайди. Бундан ташқари, молсиз хўжаликларга сигир ёки бузоқ сотиб олиш учун 1500 сўмгача қарз берилади, оила бошлиғи 1,5 центнер ва оиланинг ҳар бир аъзоси 0,5 центнердан дон олади. Бу дон нархини берилган кундан бошлаб 3 йил давомида узади. Совхозларда эса бу дон худди ана шу миқдорда нақд пул бараварида сотилади. Кўчиб борувчилар 4 йилгача қишлоқ хўжалиги солиғи ва давлат мажбуриятдан озод қилинадилар [7]. Бу, аҳолини бу ҳудудга жойлаштириш учун қилинган уринишлар эди.

1963 йил 24 январь куни Қозоғистон ССР Олий Совети Президиумининг умумдавлат манфаатларини назарда тутиб, Жанубий Қозоғистон территориясининг бир қисмини Ўзбекистон ССРга ўтказиш тўғрисидаги фармони эълон қилинди. 1963 йил 26 январь куни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Жанубий Қозоғистон ҳудудининг бир қисмини Ўзбекистон ССРга қўшди.

Натижада, 1963 йил февраль ойида Мирзачўлнинг кўриқ ерларини ўзлаштириш асосида Сирдарё вилоятининг ташкил этилиши катта аҳамиятга эга бўлди [9].

Ўзбекистоннинг 12 та вилояти қатори Сирдарё вилояти тарихий-демографик масалаларини ўрганишда, маълумки, ўзига хосликдан келиб чиқиб ўрганишни тақозо этади. Сирдарё вилояти Ўзбекистон марказининг шарқий қисмида жойлашган бўлиб, шимолда Қозоғистон Республикаси, шимоли-шарқда Тошкент вилояти, жануби-шарқда Тожикистон Республикаси, ғарбда Жиззах вилояти билан чегарадош.

1963 йил 16 февралда Сирдарё вилояти таркибига Қозоғистоннинг Киров, Пахтаорол туманлари, Тошкент вилоятидан Гулистон, Сирдарё, Янгиер туманлари, Самарқанд вилоятидан Жиззах тумани берилди [10]. Сирдарё вилояти ташкил қилинган, унинг маркази этиб Янгиер шаҳри белгиланди [11].

Янги ерларни ўзлаштиришда ўз вақтида айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилди. Мирзачўл ерларини ўзлаштириш туфайли 1957 йили Янгиер шаҳри вужудга келган эди. 1963 йили Сирдарё вилоятининг ташкил топиши билан Янгиер шаҳри бу вилоятнинг маркази деб белгиланди. Ҳолбуки, Янгиер шаҳри учун танланган жойнинг ўзи табиий географик нуқтаи назардан нотўғри эди. Унинг янги ташкил бўлган вилоят маркази қилиб белгиланиши мақсадга мувофиқ эмас эди. Аввало, шуни айтиш кераки, Янгиер шаҳри шўрхок ерда қад кўтарган. Бу ерда тез-тез бўлиб турадиган кучли, баъзан бўронга айланадиган шамолларга бардош бериш қийин эди. Ана шундай қаттиқ шамоллар пайтида осмонга туз аралашган чанг-тўзоннинг кўтарилиши ноҳушликлар келтириб чиқарар эди. Ана шу сабабларга кўра, Сирдарё вилояти маркази Гулистон шаҳрига кўчирилди [12,15]. Республиканинг ёш, навқирон шаҳарларидан бири бўлган Гулистоннинг ҳам ўз тарихи бор. Ҳозирги шаҳарнинг ўрни 1895 йилгача қамишзор ва янтоқзор эди. 1895 йили Тошкент-Красноводск темирйўли қурила бошланди ва бу ерда темирйўл станцияси вужудга келди. У дастлаб “Аччиқ Қудуқ”, сўнгра Грибоедовка, деб аталди. Темирйўл хўжалиги аста-секин кенгайиб, станция ёнида кичик посёлка пайдо бўлди. Гарчи посёлка Духовская номи билан юритилган бўлса ҳам, уни Мирзачўл, деб аташарди. Шундай қилиб, 1905 йили станцияга ҳам расмий равишда Мирзачўл номи берилди. Мирзачўл 1917 йилгача Самарқанд область Хўжанд уездига қарар эди. Октябрь тўнтаришидан сўнг у Туркистон Автоном Республикасининг Сирдарё областадаги Голодностепский уездига ўтди. 1926 йилда эса Мирзачўл районига айлантирилиб, Тошкент области ҳудудига киритилди. 1959 йил Мирзачўл шаҳар, деб эълон қилинди ва унга Гулистон номи берилди. 1959 йилда шаҳар, аҳолиси 8 минг кишини ташкил қилган, 1963 йил март ойидан Сирдарё область маркази бўлиб қолди. 1963 йилда аҳоли сони 10 минг киши бўлса, 1974 йилда 40 минг кишидан ошди [13,163]. Ўзбекистон Олий Советининг 1963 йил 16 апрелдаги №185 буйруғига биноан Великоалексеевский посёлкаси Бахт деб, Урсатьевск посёлкаси Ховост, деб номланди [14]. Бахт шаҳри аҳолиси 1959 йилда 6,7 минг, 1970 йилда 16,3 минг кишини ташкил қилганини кўришимиз мумкин. Жиззах шаҳрида 1959 йил 15,7 минг аҳоли бўлса, 1970 йилда 26,8 минг кишига кўпайганини кўришимиз мумкин. 1971 йил 1 январь ҳолатига кўра, Сирдарё вилоятида 8 та туман, 3 та шаҳар бўлган, ундан Гулистон туманидаги Крестьянск шаҳарчасида 5,6 минг аҳоли бўлган бўлса, 1973 йилга келиб 5,8 мингга етди [15,13]. 1972 йилнинг миграция маълумотларини таҳлил қиламиз. Унда қишлоқ ҳудудларига келиб-кетганлар мавжуд. Андижон вилоятидан 258 киши келган бўлса, Фарғона вилоятидан 280 киши, Наманган вилоятидан 65 киши, Тошкент вилоятидан 810 киши, Самарқанд вилоятидан 885 киши, Бухоро вилоятидан 82 киши, Қашқадарё вилоятидан 81 киши, Сурхондарё вилоятидан 18 киши, Хоразм вилоятидан 37 киши, Қорақалпоғистондан 25 киши келган. Сирдарё вилояти қишлоқларига энг кўп киши Самарқанд вилоятидан келган бўлса, энг кам киши Сурхондарё вилоятидан келганлигини кўришимиз мумкин. Тожикистон республикасида 254 киши келган бўлса, унинг асосий қисми Ленинобод вилоятига тўғри келади. Қозоғистондан 1051 киши келган бўлса, 585 киши кетган, Россиядан 1847 киши келиб, 1528 киши кетганлигини кўришимиз мумкин [16,11]. 1972 йилда собиқ Иттифоқ республикалари ичида келиб ва кетишни таққослайдиган бўлсак, энг кўп аҳоли Қозоғистондан келган бўлиб, асосий қисми Чимкент вилоятига тўғри келади. Сирдарё вилоятида 1973 йилдаги ажралишларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, эркакларда энг кўп ажралиш 30-34 ёшларда бўлса, аёлларда ҳам 30-34 ёшларда кузатилди. Ажрашганларнинг асосий қисми 10 йилдан 19 йилгача яшаганлар ташкил қилмоқда [17,32]. Сирдарё вилоятида 1973 йилда жами 15332 киши туғилган бўлса, ўлганлар сони 2015 тани ташкил қилган [18,10]. Улар орасида эркаклар 7850 кишини, аёллар 7482 кишини, туғилган, ўлганлар орасида эркаклар 1135 киши, аёллар 880 кишини ташкил қилиб, 1 ёшгача

ТАРИХ

бўлган болалар ўлими 330 кишини [19,5] ташкил қилганини кўришимиз мумкин. Шу билан бирга, 60-йилларда Сирдарё минтақасидаги ижтимоий муҳитни таҳлил қилиш натижасида шу нарса маълум бўлдики, кўрилган чора-тадбирларнинг ҳаммаси ҳам иқтисодий-ижтимоий самара беравермади. Ҳеч сўзсиз ютуқлар билан бирқаторда катта қийинчиликлар, қонунбузарликлар кузатилиб, белгиланган чора-тадбирлар ҳар доим ҳам натижа бермади. Айрим тадбирларни инкор этишлар ҳам юз берди. Ушбу камчиликлар таркибида энг аввало шуни қайд этиш лозимки, 60-йилларнинг ўрталаридан бошланган иқтисодий ислохотларни келтириб чиқариши мумкин бўлган ижтимоий оқибатлар кўпинча назар-писанд қилинмади. Масалан, қишлоқ хўжалиги органлари, айниқса, жамоа хўжаликларининг режадан ортиқча маҳсулот сотишдан келадиган фойда ҳар доим ҳам самарали фойдаланилмади. Унинг катта қисми “соф” ишлаб чиқариш мақсадларига ишлатилди, аҳолининг моддий турмуш даражасини оширишга сарфланадиган харажатлар миқдори камайиб кета бошлади.

Шу ўринда Мирзачўл минтақасидаги оғир ижтимоий аҳвол, бу ҳудуднинг энди ўзлаштирилаётганлиги эътиборга олинмади. Аҳоли маиший ҳаётини яхшилаш бу ерда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг муҳим шарти эканлиги эътиборга олинганда, анча яхши бўларди.

Юқоридаги фикримизнинг далили сифатида 1956-1969 йилларда Сирдарё вилоятига қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва доимий яшаш учун 42 минг [20,10] оила кўчиб келганлигини айтиш лозим. 1962 йилга келиб, уларнинг атиги 25 мингигина шу ерда муқим қолди, холос. 17 мингта оила ёки барча кўчиб келганларнинг 40,5 % яна ўзларининг азалдан истиқомат қилган жойларига кўчиб кетишга мажбур бўлдилар.

Адабиётлар:

1. Убайдуллаева Р., Ата-Мирзаев О., Умарова Н. "Ўзбекистон демографик жараёнлари ва аҳоли бандлиги". -Т."Университет". 2006.
2. Бўриева М., Юлдашева М. "Демографик муаммолар. Ўқув қўлланма. -Т. "Университет" 2003.
3. Қизил Ўзбекистон. -1956 йил, 11 август.
4. Қалимбетов Ж., Жақилов Д. "Мирзачўлни ўзлаштиришда Ўзбекистон ёшларининг иштироки".
5. Қизил Ўзбекистон. -1956 йил 11 август.
6. Қизил Ўзбекистон. -1956 йил, 16 ноябрь.
7. Қизил Ўзбекистон. -1956 йил, 22 ноябрь.
8. Қизил Ўзбекистон. -1956 йил, 27 сентябрь.
9. Қизил Ўзбекистон. -1963 йил, 31 январь.
10. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. –Т., 2003, 7-жилд.
11. ЎзРМДА ф-1619,11-рўйхат, 2379-иш .
12. ЎзРМДА ф-1619,11-рўйхат, 2379-иш.
13. Аҳмедов Э. "Ўзбекистон шаҳарлари мустақиллик йилларида". -Т. Абу Али ибн Сино номли тиббиёт нашриёти. 2002.
14. Совет Ўзбекистони. -1974 йил, 17 апрель.
15. ЎзРМДА ф-1619,11-рўйхат, 2379-иш.
16. ЎзРМДА ф-1619,11-рўйхат, 3354-иш.
17. ЎзРМДА ф-1619,11-рўйхат, 3279-иш.
18. ЎзРМДА ф-1619,11-рўйхат, 3368-иш.
19. ЎзРМДА ф-1619,11-рўйхат, 3359-иш.
20. ЎзРМДА ф-1619,11-рўйхат, 3361-иш.

(Тақризчи: М.Исомиддинов – тарих фанлари доктори, профессор).